



## Бухоро амирлигида маҳаллий бошқарув тизимининг айrim хусусиятлари (XVIII-XX аср бошлари)

Нурмуҳаммадов Шарофиддин Шермуҳаммад уғли

Тошкент амалий фанлар университети Тарих кафедраси ўқитувчisi

Ўзбекистон давлатчилиги бой тарихга эга бўлиб, унинг узоқ даврлар давомида таркиб топган назарий-хукуқий тажрибаларини замонавий, демократик, хукуқий қадриятлар билан уйғунлаштириш ва жамиятимиз турмушида улардан янада кенгроқ ва самаралироқ фойдаланиш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан биридир. Шу боис, ҳалқимизнинг бой илмий-маънавий меросини, хусусан миллий давлатчилигимиз тарихида ўзига хос давр ҳисобланган Бухоро амирлиги давлати ва унинг бошқаруви тарихини миллий истиқлол мафкураси талабларидан келиб чиқсан ҳолда ўрганишга, ҳозирги кунда сиёсий-хукуқий таълимотлар тарихи ҳамда давлатчилик тарихи олдида турган энг муҳим масалаларидан бири сифатида қаралмоқда.

Маълумки, Бухоро амирлигида маҳаллий бошқарувдаги асосий мансабдорлар мангит уруғига мансуб бўлган кишилардан тайинланган. Шу билан бирга, бу даврда мангитларга ва бошқа ўзбек уруғларига мансуб бўлмаган кишиларнинг ҳам маҳаллий бошқарувда юқори амалларни эгаллаш ҳолати кўзга ташланади<sup>94</sup>.

Амир ҳудудий тузилмалардан доимий хабарномалар олиб турган. Амирликдаги барча бекликлар беклари ва қозилари чопар, навкарлар орқали амир ҳузурига ёзма ахборотномалар юбориб турганлар. Уларга амир номидан тегишли тартибда ташаккурномалар жўнатилган<sup>95</sup>.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, амирликда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, фуқароларни йўлларда ўғри, талончи, босқинчи ва турли исёнчилар ҳужумидан ҳимоя этиш

- 
1. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Масъул муҳаррирлар: Д.А.Алимова, Э.В.Ртвеладзе. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 224 б.
  2. Амир Саййид Олимхон. Бухоро ҳалқининг ҳасрати тарихи / Форсийдан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи А. Ирисов. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.26



мақсадида бир қатор мансаблар жорий этилган эди. Улар қаторида зинданбанд, жилбанд, жаллод ва бандибанд каби амалдорларни санаb ўтиш мумкин<sup>96</sup>.

Амир ёки унинг ваколати доирасида тайинланган мансабдор шахслар, яъни амирнинг жойлардаги вакили, маҳаллий бошқарувчилар ҳамда беклар давлатнинг маҳаллий бошқарув органлари ҳисобланган. Беклар юқори табақа вакилларидан бўлиб, асосан йирик ер эгалари орасидан тайинланган.

Қоида бўйича мансаблар қариндошлиқ асосида берилган, аммо баъзи ҳолларда оддий фуқаро ҳам беклик даражасига эришиши беклик бошқарувини масъулиятли вазифа эканлигидан далолат беради.

Маҳаллий бошқарувни амалга оширган беклар кўп ҳолларда бошқарув масаласида марказий бошқарув тартибини жорий этишга ҳаракат қиласар эдилар. Шунинг учун амирликнинг айрим худудларида вақти-вақти билан мавжуд ҳокимиятни тан олмаслик ҳолатлари кузатилади. Ҳар қайси бек ўзининг саройига, мансаб ва унвонига эга бўлган. Бекларнинг ишларни бошқариш ва ташкиллаштириш бўйича котиблари бўлиб, худудлардан тушадиган солик ва бошқа мажбурий тўловларни назорат қиласар эга бўлган. Хўжалик ишларини дастурхончидеб номланган хазинабон бошқарган.

Бухоро амирлигига бекликлар ҳуқуқий мақоми бўйича бир-биридан фарқ қиласар. Масалан, Самарқанд беклиги нуфузлилиги, Қарши беклиги кўп ҳолларда давлат бошлиғи меросхўри ҳокимлиги билан, Чоржўй беклиги эса уруғ давомчиларига, Бухоро беклиги эса қушбегининг ўзи томонидан бошқарилганлиги туфайли кенг имтиёзларга эга бўлган<sup>97</sup>. Умуман олганда бекликларнинг мақоми уларнинг давлат ва жамиятга келтирадиган фойдаси миқдорига боғлиқ бўлган. Беклар

3. Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII – XIX вв.

– Ташкент: Изд. Акад. Наук Уз ССР, 1954. – С.183.

4. Шодиев Ж. М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юридикфан. номзоди ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 78.



асосан рентадан даромад олганлар, чунки улар амирдан ҳеч қандай мояна ҳақи олмаганлар, ўз навбатида улар аҳолидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш ишларига бош-қош бўлганлар. Ўз ўрнида беклар амирнинг амалдорлари саналиб, амир томонидан фармон асосида тайинланганлар ҳамда амирга худудий бирликлар бўйича иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалалар юзасидан ҳисоб бериб турганлар.

Манғитлар хукмронлиги даврида амирлик маъмурий-худудий жиҳатдан 27 та беклик ва 11 та тумандан иборат бўлганлиги қайд этилади<sup>98</sup>. Н.Кисляков Бухоро амирлигининг маъмурий бўлиниши масаласига тўхталар экан, XX аср бошларида келиб мамлакат 24 та беклик, 7 та алоҳида амлоклик ва 10 та туманларга бўлганлигини таъкидлайди. Профессор Б.Эшов XIX аср ўрталарида амирлик худуди бўлинишини қўйидагicha тавсифлайди: 100 минг танобдан иборат суғориладиган ер туманга, 50 минг танобдан иборат суғориладиган ер ҳазорага, 25 мингтанобдан иборат суғориладиган ер нимҳазорага, 10-15 минг таноб суғориладиган ер обхўрига, 400 таноб суғориладиган ер қарияга, 300 таноб суғориладиган ер маразага (экинзор) бўлинган<sup>99</sup>. Фикримизча, бу тартиб расмий маъмурий бўлиниш бўлмай, балки мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини белгилашга қаратилган вақтинчалик маъмурий-худудий бўлиниш бўлган. Бундай тартибда бўлиниш солиқларнинг йиғилишида кулайлик ва ўзига хос тартибни юзага келтирган.

### Маҳаллий бошқарув структураси:



5. Тухтаметов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: Ирфон, 1977. – С.16.

6. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – Б. 345.



Барча беклар шахсан амир томонидан тайинланган ва лавозимидан озод қилинган. Беклар ўз лавозимига тайинлангач ўзларининг қариндошлари ва энг содик кишиларини бекликнинг сердаромад мансабларига қўяр эдилар.

Беклар ҳокимияти наслдан наслга мерос тариқасида ўтмаган. Бек вафот этган тақдирда, унинг мол-мулки амир хазинасига ўтар ҳамда ундан меросхўрларига улуш ажратилмас эди. Ҳар бир бек ўз қарамоғидаги ҳудудни мустақил равишда бошқариб, мазкур ҳудудда бекнинг хоҳиши қонун ҳисобланган.

Бекликларда юзага келиб турадиган келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида айrim ҳудудларни бирлаштиришга ёки аксинча ажратиш ҳолларига ҳам тўғри келган. Беклик бошқаруви саройида кўплаб мансаб эгалари мавжуд бўлган. Эътиборли жиҳати шундаки, бекликдаги мансаблар ҳудуд аҳолисининг сонига қарамасдан, балки айrim иқтисодий қолоқ бекликларда ҳам маъмурий амалдорларнинг сони қисқармаган. Масалан, энг қолоқ беклик ҳисобланган Дарвозда 55 мингга яқин аҳоли истиқомат қилган бўлсада, унда маҳаллий бошқарув амалдорларининг сони нисбатан кўп бўлган<sup>100</sup>.

Бухоро амирлигида бекликлар ва туманлар маъмурий-ҳудудий жиҳатдан турли хил шаклда бўлинган. Кўпгина бекликлар бир неча қишлоқлардан иборат бўлган амлоклардан иборат бўлган. Бир қатор туман ва бекликлар мавзеларга бўлинган. Масалан, Дехнав, Пирмаст, Хутфар, Ўсти ва бошқа ҳудудларда. Хусусан, Хутфар туманидаги мавзеларга кирувчи бир қатор қишлоқлар мавжуд бўлган. Шу билан бирга, у ёки бу туман ва вилоятнинг ҳудуди амлок, мавзе, гузар ва масжид деб аталган. Ҳар бир мавзе 10 дан ортиқ масжид деб номланган ҳудудий бирликлардан иборат бўлган.

Шарқий Бухоро ҳудудидаги Ҳисор беклиги маҳаллий бошқарувида амал қилган маъмурий тузилишини таҳлил этадиган бўлсак, ушбу ҳудудда қоидага биноан бек

8. Шодиев Ж. М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юридик фан. номзоди ... дисс. Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 79.



лавозимини амирнинг яқин қариндоши, яъни амир Абдулаҳаддинг тоғаси Остонақулибек эгаллаган эди. Ҳисор беклиги Бухоро амирлигининг энг бой худудларидан бири ва бек амирнинг яқин қариндоши саналганлиги сабабли унга ўлим жазосига маҳкум этиш ҳуқуки берилган эди.

Остонақулибек ихтиёрида бир қатор мансабдор шахслар бўлиб, бу ҳудудда ҳам барча амалдорлар ўзга бекликлар каби маҳаллий аҳолидан йифиладиган солиқлар ҳисобига яшаганлар. Бек томонидан бериладиган мояна амалдорлар даромадининг маълум бир қисмини ташкил этган. Остонақулибек бекликни ўзининг қушбегиси ва катта ясовулбошиси орқали бошқарган. Ундан ташқари бекликда маҳсус девонхона бўлими мавжуд бўлиб, ушбу бўлим етти котиб томонидан идора этилган. Шу билан бирга, маҳаллий бошқарувда турли вазифаларни бажарувчи 25 та ясовул ҳам иштирок этган<sup>101</sup>.

Бекликлар ўз навбатида амлокликларга бўлинib, улар беклар томонидан тайинланадиган амлокдорлар ёрдамида бошқарилган. Амлокликлар ўз таркибига бир неча қишлоқларни қамраб олган. Амлокдорлар ўз ҳудудларида солиқ йифиш, миршаблик ва маъмурий вазифаларни ижро этишган. Амлокдор ҳузурида маҳаллий оқсоқоллар вакилидан тайинланган ёрдамчиси ва яна қуидагилар фаолият олиб боришган: мирза – иш юритувчи; ясовулбоши – амлокдорнинг ёрдамчиси ва унинг буйруқлари ижросини таъминловчи; девонбеги – кирим-чиқим ишлари билан шуғулланган; аминоначи – бозорлардан аминона солиғини йифишга мутасадди бўлиб, унинг қўли остида алмагирлар фаолият кўрсатган; миршаб; маҳаллий оқсоқоллар – қоровулбекиликдан мирохур даражасигача; ариқ оқсоқоли – суғориш тизимиға бошчилик қилган; мираблар – суғориш ва сув тақсимлаш ишларини бошқарган; навкарлар – оддий аскарликдан миршаббоши даражасигача кўтарилиган; бозор

9. Очилдиев Ф.Б.XIX–XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт: Тарих фан. номзоди ... дисс. Тошкент: ЎзМУ, 2007. – Б.102.



оқсоқоли – бозорларда сотилган чорва молларидан солик йиғишган. Қуйи хизматчилар – баковул, декшу ва саислардан иборат бўлган<sup>102</sup>.

Кишлоқларни маҳаллий аҳоли томонидан сайланган, бек томонидан тасдиқланган оқсоқоллар бошқарганлар. Тожиклар яшайдиган қишлоқлар арбоб деб аталувчи, кўчманчи чорвадор аҳоли эса элбеги деб аталувчи оқсоқоллар томонидан идора этилган.

Маҳаллий худудларни бошқаришни амалга ошириш мақсадида ва ҳар бир тумани ташкил этиш учун 80 тадан аҳоли яшаш жойлари бирлаштирилган. Кейинчалик эса, ушбу туманларнинг аҳоли сони кўпайиб борган. Амирликда барча бекликлар маъмурий маркази бир хил ном билан аталган. Аҳоли яшаш жойлари сонининг кўплигига қараб шарқий бекликлар юқори мавқега эга бўлган. Масалан, Болжувонда 1420, Ҳисорда 1200, Қоратегинда 700, Кўлобда 635 тага яқин аҳоли яшаш жойлари мавжуд эди. Ҳозирги Туркманистон худудидаги бекликларда эса, аҳоли яшаш жойлари сони энг кам даражада, яъни Ўстида 15, Бурдалиқда 14, Келифда эса 24 тадан аҳоли яшаш жойлари бўлган<sup>103</sup>.

Бекликлар қозилари тўғридан-тўғри Бухородан тайинланган ва ўз фаолиятида бекдан мустақил бўлганлар<sup>104</sup>. Улар одатда бекнинг ҳаракатлари ҳақида махфий равища Бухорога хабар бериб турганлар. Диний амалдорлар мамлакатдаги суд ҳокимиютини, шунингдек, таълим ва тарбия масканлари бўлган мадрасалар, бошланғич мактабларни, кундалик ҳаётда катта ўрин тутган масжидлар ва бошқа шу турдаги ижтимоий муассасаларни ўз назоратлари остига олган эдилар. Қозиларнинг

10. Холиқулов А.Б. XIX–XX аср бошларида Қашқадарё бекликлари. Тарихфан. номзоди ... дисс. Тошкент: ЎзМУ, 2011. – Б.122.

11. Холиқулов А.Б. XIX–XX аср бошларида Қашқадарё бекликлари. Тарихфан. номзоди ... дисс. Тошкент: ЎзМУ, 2011. – Б.122.

12. Шодиев Ж. М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юридик фан. номзоди ... дисс. Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 79.



тавсияси билан қози калон томонидан мулла азимлар ва амлокликлардаги қозилар тайинланган. Амалда бир неча йил ишлагандан сўнг қозиларга аввал ўроқ, кейин судур ва ҳатто садр унвони берилар эди

Шаҳар жамоат тартибини сақлаш миршабларга топширилган. Бухоро шахри миршаббоисига бир вақтнинг ўзида амирликдаги бошқа барча шаҳарлар миршаблари ҳам бўйсунган. Ҳукуматга тегишли вазифалар мир расас, яъни миршаб кўлида бўлиб у шаҳар муҳофазасининг маъмури ҳисобланган. Давлатнинг маҳбуслари унинг ихтиёрида бўлиб, амирнинг шифовуллари, худайчилари (удайчилар) ўз ихтиёрлари билан бирор ишни қилмаганлар, фақат амир буйруғига бўйсунганлар<sup>105</sup>.

Бухоро шахри икки даҳага, даҳаларнинг ҳар бири эса олти жарига бўлинган. Ҳар бир даҳани даҳабошибошқарган. Жаригни эса бобобошибошқарган бўлиб, унинг маҳкамаси бобохонадейилган. Унинг ихтиёрида фақат тунда ишлайдиган маҳсус қўриқчилар бўлиб, улар шабгардлар (Шабгард – тунда кезувчи, форс-тожик тилидан олинган бўлиб, “шаб” – кечкурун, тун “гард” – кезувчи маъноларини англатади) деб аталган<sup>106</sup>.

Шабгардларнинг асосий вазифаси тунда шаҳарни кезиб юриш ва барча шубҳали шахсларни аниқлаш билан бир қаторда, шаҳарда бевақт саёқ юрган шахсларни ушлаб тегишли тартибда чора кўриш бўлган. Ушланган шахслар шаҳар кўчалари ва ҳаммомларни тозалаш ишларига жалб қилинган.

Бухоро шаҳар миршаббоисининг асосий вазифаси тунда шаҳарни айланиб юриш, ман этилган ўйинлар ва базмлар ҳакида тўпланган маълумотлар бўйича ўз хизматчилари билан ҳуқуқбузарларни аниқлаб, уларга тегишли тартибда жарима

13. Воҳидов Ш. Қўйкон хонлиги ва Бухоро амирлигига унвон ва мансаблар. Тошкент, 1996. – Б. 26.

14. Шодиев Ж. М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юридик фан. номзоди ... дисс. Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 81.



жазосини қўллаш бўлган. Шаҳарда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида тўйлар, базмлар ва бошқа маросимлар белгиланган вақтда тугатилиши шарт бўлган. Ушбу масала шаҳар миршаббошисининг вакиллари томонидан назоратга олинган.

Хар бир беклиқда беклардан мустақил, амир фармонлари ижроси, шунингдек, маҳаллий бошқарув фаолиятини кузатиб борувчи қозилар иш олиб борган бўлиб, уларнинг барча амлокликларда ишончли вакили фаолият кўрсатган.

Манғитлар сулоласи даврида ҳам ўрта асрчиликнинг салбий хусусиятлари давом этган. Буни қуидаги масалаларда қўришимиз мумкин: марказий ҳокимият тепасидаги шахснинг ўзгариши, энг қуи маҳаллий ҳокимиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмаган; ўрта асрларда мавжуд бўлган қабила-уруғчилик, қариндошлилик анъаналари мустаҳкам илдиз отган эди (масалан, баъзи ҳолларда сув хўжалиги соҳасида юқори лавозим – мироблик юз уруғи вакилидан тайинланган бўлса, шу йўналиш бўйича энг қуи лавозим бўлган пойкорлик даражаси ҳам юзлар қўлига ўтган); маҳаллий бошқарувдаги давлат лавозимларининг сотилиш ҳолатлари ҳам кузатилган; тез-тез кўтарилиб туриладиган қўзғолонларнинг аксарияти маҳаллий бошлиқларнинг ҳукмдор фармонини ижро этиш лаёқатига эга бўлмаганлиги ёки тўла англаб етмаган ҳолда ижродаги камчиликлар туфайли юзага келган; амир ҳузуридаги давлат бошқарув аппарати ва уларга бўйсунувчи қуи лавозим эгалари ўз ихтиёрлари билан бирор ишни қилмаганлар, фақат амир буйруғига бўйсунганлар. 1868 йил Бухоро амирлик Россия империяси вассалига айлангандан кейин, дастлаб маҳаллий бошқарув тизимига умуман аралашмади. Бу – мустамлакачи ҳукуматнинг миллий менталитетни яхши билмаганлиги, маҳаллий хусусиятлар билан боғлиқ анъаналар хақида маълумотга эга бўлмаганлиги билан изоҳланади.

Умуман олганда, манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида давлат бошқаруви илгариги шайбонийлар ва аштархонийлар даври бошқарув тизимидан деярли фарқ қилмаган ва маъмурий тизимда жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмайди. Амир давлатни саройдаги марказий ижроия ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув тизимига таянган ҳолда бошқарарди.



Мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий воқеалар амирлиқдаги бекликлар сони ҳамда маъмурий бўлинишда ўзгаришлар бўлиб турганлигини кўрсатади.

### Фойдаланиланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Масъул муҳаррирлар: Д.А.Алимова, Э.В.Ртвеладзе. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 224 б.
2. Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи / Форсийдан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи А. Ирисов. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.26
3. Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII – XIX вв. – Ташкент: Изд. Акад. Наук Уз ССР, 1954. – С.183.
4. Шодиев Ж. М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юридикфан. номзоди ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 78.
5. Тухтаметов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: Ирфон, 1977. – С.16.
6. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – Б. 345.
7. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: “Akademiya”, 2006. – Б. 123.
8. Очилдиев Ф.Б.XIX–XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ҳаёт: Тарих фан. номзоди ... дисс. Тошкент: ЎзМУ, 2007. – Б.102.
9. Холиқулов А.Б. XIX–XX аср бошларида Қашқадарё бекликлари. Тарихфан. номзоди ... дисс. Тошкент: ЎзМУ, 2011. – Б.122.
10. Воҳидов Ш. Кўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига унвон ва мансаблар. Тошкент, 1996. – Б. 26.